

Пайғамбаримизнинг қуёш тутилиши асносидаги суннатлари

«Ҳадю Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва саллам фи ибадатиҳи ва муъамалатиҳи
ва ахлақиҳи» китобидан иқтибос

هدي النبي صلى الله عليه وسلم في الكسوف

مقالة مقتبسة من كتاب "هدي محمد صلى الله عليه وسلم في عبادته ومعاملاته وأخلاقه"

< Ўзбекча – Uzbek – الأوزبكي >



Доктор Аҳмад ибн Усмон ал-Мазяд

د. أحمد بن عثمان المزيّد



Таржима: Абу Абдуллоҳ Шоший

Таҳрир: Абу Муҳаммад Али Бухорий

ترجمة: أبو عبد الله الشاشي

مراجعة: أبو محمد علي البخاري

5- Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг қуёш тутилиши асносидаги суннатлари¹



- 1- Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва саллам қуёш тутилганда ридоларини судраганларича хавфсираган ҳолда шошилиб масжидга чикдилар ва олдинга ўтиб икки ракаат намоз ўқидилар.
Биринчи ракаатда Фотиҳа сураси билан узун бир сурани овозларини чиқариб жаҳрий ўқидилар, сўнгра рукуъ қилдилар ва рукуъда узоқ турдилар. Рукуъдан бошларини кўтардилар ва қиём(даги қироат)ни узун қилдилар, бу қиём биринчи қиёмдан бошқадир. Яъни рукуъдан бошларини кўтарар экан “Самиъаллоҳу лиман ҳамидах, Роббана ва лакал ҳамд”, дедилар, сўнгра қироатни бошладилар. Кейин рукуъ қилдилар ва рукуъда узоқ турдилар, бу биринчи рукуъдан бошқадир. Сўнгра рукуъдан бошларини кўтардилар, кейин узун бир сажда қилдилар ва саждаларни узун қилдилар.
Кейин иккинчи ракаатда биринчи ракаатда қилган амаллари каби амалларни қилдилар. Шунда ҳар бир ракаат икки рукуъ ва икки саждадан иборат бўлди.
Намоздан кейин одамларга жуда таъсирли бир хутба қилдилар.
- 2- Яна Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва саллам қуёш тутилганда Оллоҳни зикр қилишга, намоз ўқишга, дуо ва истиғфор айтишга, садақа бериш ва кул озод қилишга амр қилдилар.

¹ Зодул Маод (1/433).

